



11.08.2022 даги

Аброр-А ва Гулистон шаҳар ХТБ ўртасида 35400000,00 сўм умумий суммага тузилган 1 - сонли шартномага

ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб 075
Шахсий ғазна ҳисобварақ 401722860244017096300075008

сўмда

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			Жами
	4239000			
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август	35 400 000,00			35 400 000,00
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Жами йил бўйича	35 400 000,00			35 400 000,00

Жами 35400000,00 сўм

Ўттиз беш миллион тўрт юз минг сўм 00 тийин

сумма сўз билан

Юкоридаги кўрсатилган суммадан 0,00 сўм ёки 0,00%*** шартноманинг умумий суммасидан
_____ % ***20 _____ ойда тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юкоридаги кўрсатилган суммадан ойна _____ % жорий ойна _____ санасигача хар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва конун ҳужжатларида назарда тутилган хар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари



Самандар
(имзо)

Артиков Самандар Орзикулович
Ф.И.Ш.

Буюртмачи бош бухгалтери

Аброр
(имзо)

Исроилов Аброр Акрамович
Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг
ходими қабул қилди

(имзо)

Буюртмачи ходими
қабул қилди

(имзо)

« _____ » _____ 20 _____ й.

« _____ » _____ 20 _____ й.



С.Артиков
Гулистон шаҳар Хайъат таълим бўлими мудири

ТАНЛАШ БАЁННОМА

"10" август 2022 йил

Катнашдилар

Гулистон шаҳар

Хайъат раиси	С.Артиков
Бўлим мудири	Ф.Норинбердиев
Котиб	Ў.Хашимов
Бўлим иш юритувчиси	А.Исроилов
Махсус таъмирлаш-эксплуатация бошлиғи	С.Хидиров
Бош ҳисобчи	Д.Ходжиев
Таъминотчи	
Ҳисобчи	

«Аброр-А» ХК таклифни ўрганиб чиқиш
«LM IMPERIAL TORG» МЧЖ таклифни ўрганиб чиқиш

КУН ТАРТИБИ

Кун тартибда қўйилган масала юзасидан бўлим мудири С.Артиков сўзга чиқиб, йигилиш катнашчиларига Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги "Давлат харидлари тўғрисида" ги 684-сонли қонуни 7-боб 60-моддасининг талабларига мувофиқ Гулистон шаҳар 5-умумий ўрта таълим мактаби электр тизимини жорий таъмирлаш учун «Аброр-А» ХК, «Temur-Kamron Hamkor» МЧЖ лардан электрон тарзда тижорат таклифлари олинганлигини маълум қилди. Хайъат аъзолари ҳамда таклиф берувчиларнинг вакиллари иштирокида келиб тушган электрон таклифлар кўриб чиқилганда куйидагилар маълум бўлди

№	Объектнинг номи ва манзили	ООО «Аброр-А»ХК		«Temur-Kamron Hamkor» МЧЖ	
		Нархи (сўмда) КҚС билан	Бажариш муддати (кун)	Нархи (сўмда) КҚС билан	Бажарилиш муддати (кун)
1	Гулистон шаҳар 5-сонли ўрта таълим мактаб биносининг электр тизимини жорий таъмирлаш	35 400 000	3	35 860 781	10

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш талабларидан келиб чиқиб комиссия қарор қилади.

- «Аброр-А» ХК Гулистон шаҳар 5-сонли ўрта таълим мактаб биноси электр тизимини жорий таъмирлашнинг сифатли таъмирлаш ва нархининг арзонлиги сабабли, «Аброр-А» ХК билан шартнома тузиш мақсадга мувофиқ деб топилади.
- Ушбу 128162 сонли лот рақами бўйича Гулистон шаҳар ХТБ тасдиқлаган танлаш баённомаси юзасидан ҳеч қандай эътироз ёки шикоятлар юзага келмади
- Овозга қўйилиш натижаида 6 та овоз билан «Аброр-А» ХК галиб чиқди. Оқоридагиларни инобатга олган ҳолда хайъат

ҚАРОР ҚИЛАДИ

1 «Аброр-А» ХК, «Temur-Kamron Hamkor» МЧЖ ташкилотларидан тушган таклифлар эътиборга олинсини
2 танлов галиби деб "Аброр-А" ХК эълон қилинсини ва ушбу ташкилот билан 35 400 000 сўмга шартнома тузиш мақсадлансини

Бўлим мудири:
Бўлим иш юритувчиси:
Махсус таъмирлаш-эксплуатация бошлиғи:
Бош ҳисобчи:
Таъминотчи:
Ҳисобчи:

Аъзолари
(Signatures)

С.Артиков
Ф.Норинбердиев
Ў.Хашимов
А.Исроилов
С.Хидиров
Д.Ходжиев

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 128162 на приобретение Текущий ремонт электроосвещения школы №5

Способ проведения электронный

Дата 04.08.2022

Время рассмотрения 04.08.2022 15:36

Конкурсная комиссия Халк таълим булими, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	ARTIKOV SAMANDAR ORZIKULOVICH	Председател комиссии	Председател комиссии
Секретарь комиссии	NORINBERDIYEV FARXOD ARIFJONOVICH	Секретарь комиссии	Секретарь комиссии
Член комиссии	XODJIYEV DOSTONBEK MAVLANKULOVICH	Член комиссии	Член комиссии
Член комиссии	XIDIROV SARDOR BARATBOY O'G'LI	Член комиссии	Член комиссии
Член комиссии	XASHIMOV URAZALI MADJTOVICH	Член комиссии	Член комиссии
Член комиссии	ISRAILOV ABROR AKRAMOVICH	Член комиссии	Член комиссии

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 04.08.2022 года № лота 128162.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 75

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуги по содержанию и текущему ремонту уличного освещения
Подробное описание	Текущий ремонт электроосвещения школы №5
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	35 860 781.00
Стартовая сумма	35 860 781.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Курилиш майдончасини кўздан кечирганлиги тўғрисида маълумотнома. Бюртмачи билан обектни олдиндан куздан кечириш далолатнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Курилиш майдончасини кўздан кечирганлиги тўғрисида маълумотнома. Бюртмачи билан обектни олдиндан куздан кечириш далолатнома

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"Temur-Kamron Namkor" МСНД	20	35500000	15	Экспертная		
АБРОР-А ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ	20	Курилиш майдончасини кўздан кечирганлиги тўғрисида маълумотнома. Бюртмачи билан объектни олдиндан куздан кечириш далолатнома	20	Экспертная		

Критерий №2 Маълумотларнинг ҳаққонийлигига ва бириктириладиган файлларнинг калбаки эмаслигига танлов иштирокчиси жавобгардир, агар ушбу ҳолатлар кузатилса танлов иштирокчиси автоматик равишда танловдан четлаштирилади ҳамда қонунда назарда тутилган тегишли жавобгарликка тортилади. Розилик аризаси тақдим этиш

Тип: Текстовое значение

Описание: Маълумотларнинг ҳаққонийлигига ва бириктириладиган файлларнинг калбаки эмаслигига танлов иштирокчиси жавобгардир, агар ушбу ҳолатлар кузатилса танлов иштирокчиси автоматик равишда танловдан четлаштирилади ҳамда қонунда назарда тутилган тегишли жавобгарликка тортилади. Розилик аризаси тақдим этиш

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"Temur-Kamron Namkor" МСНД	20	35500000	20	Экспертная		
АБРОР-А ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ	20	20	20	Экспертная		

Критерий №3 Давлат солиқ кумитасининг расмий веб-сайтида шубхали корхоналар руйхатига киритилмаганлиги, кушилган қиймат солиғи туловчиси булса унинг гувоҳномаси фаоллиги, солиқ ва йигимларни тулаш

Тип: Текстовое значение

Описание: Давлат солиқ кумитасининг расмий веб-сайтида шубхали корхоналар руйхатига киритилмаганлиги, кушилган қиймат солиғи туловчиси булса унинг гувоҳномаси фаоллиги, солиқ ва йигимларни тулаш

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"Temur-Kamron Namkor" МСНД	20	35500000	20	Экспертная		
АБРОР-А ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ	20	20	20	Экспертная		

Критерий №4 Ишчилар сони

Тип: Текстовое значение

Описание: Ишчилар сони

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"Temur-Kamron Namkor" MCHJ	20	35500000	15	Экспертная		
АБРОР-А ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ	20	Ишчилар сони	20	Экспертная		

Критерий №5 Объектинг охирги 10% қолдиқ суммасини қурилиш назорат ўлчови қилингандан сўнг тўлаб берилишига розилик хати

Тип: Текстовое значение

Описание: Объектинг охирги 10% қолдиқ суммасини қурилиш назорат ўлчови қилингандан сўнг тўлаб берилишига розилик хати

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"Temur-Kamron Namkor" MCHJ	20	35500000	10	Экспертная		
АБРОР-А ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ	20	розилик хати	20	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
"Temur-Kamron Namkor" MCHJ	35 860 781.00	35 860 781.00 UZS	35 860 781.00	00.00	35 860 781.00	03.08.2022 19:03:46	09.87
АБРОР-А ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ	35 860 781.00	35 400 000.00 UZS	35 400 000.00	00.00	35 400 000.00	04.08.2022 14:31:10	10.00

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
"Temur-Kamron Namkor" MCHJ	72	9.87	81.87
АБРОР-А ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ	90	10	100

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 128162 от 04.08.2022 года на приобретение Текущий ремонт электроосвещения школы №5 определила победителем:

АБРОР-А ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ
202514603

и резервный исполнитель: "Temur-Kamron Namkor" MCHJ (306433912)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	ARTIKOV SAMANDAR ORZIKULOVICH	Согласен	
Член комиссии	XODJIYEV DOSTONBEK MAVLANKULOVICH	Согласен	
Член комиссии	XASHIMOV URAZALI MADJITOVICH	Согласен	
Член комиссии	ISRAILOV ABROR AKRAMOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 1

Гулистон шаҳар

«_11_» август 2022 йил

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Гулистон шаҳар ХТБ номидан Низом асосида иш юрутувчи раҳбар С.Артиков бир томондан «Аброр-А»ХК кейинги ўринда “Пудратчи” деб юритиладиган номидан Низом асосида иш кўрувчи корхона раҳбари О.Босимов иккинчи томондан пудрат шартномасини туздилар.

I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада куйидаги тарифлар қўлланилади:

Қурилиш объекти – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган объект.

II. ШАРТНОМАНИНГ МАВЗУСИ.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан лойихада кўзда тутилган объект **Гулистон шаҳар ХТБ** га карашли **5-сонли умумий ўрта таълим мактаби электр тизимини жорий таъмирлаш** бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи танлов савдоси натижасида аниқланган барча солиқлар, йигимлар ва ажримларини уз ичига олган ҳолда жорий нархларда ККС билан 35 400 000 (Ўттиз беш миллион тўрт юз минг) сўмни ташкил этади.

IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

4. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимда назарда тутилган ишларини бажариш учун:

Барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 1- иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган хажмда ва мудатларда ўзининг кучлари (бош пудратчи ташкилотининг иш хажми 50 фоиздан кам бўлмаслиги керак) ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш; Қурилиш жараёнида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтқазилган дарахтларни ва ер учаскасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

5. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларининг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

6. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

Ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура - қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайт этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 кун давомида Пудратчига ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятини олади;

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

7. Пудратчи биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

8 Томонларнинг келишувига мувофик қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан **30** кунни ташкил этади

VII. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР.

9. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорида аванс ўтказади, бу **10 620 000 (Ўн миллион олти юз йигирма минг)** сўмни ташкил этади

10. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни мутаносиб равишда ушлаб қолиниши ҳисобга олган ҳолда, бажарилган ишлар қийматининг 100 фоиз буюртмачи томонидан тасдиқланган ҳисоб-фактурага асосан ҳисобот ойдан кейинги ойида амалга оширилади.

11. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши ҳавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

12. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб кирик беш кун **мобайнида** бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

13. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вақилини-техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назорати амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

14. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

15. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

16. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки)унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларнинг уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ .

17. Пудратчи ишлар бошланишидан таъмирлаш тугаллангунча ва таъмирлаш тугалланган объект буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар объектни зарур даражада қўриқланиши таъминлайди.

18. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради .

X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ.

19. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этадилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

20. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

21. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШНИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШИ.

22. Жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолани санаеида амалда бўлган белгиланган тартибда мувофик мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин амалга оширилади.

23. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришиномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

24. Пудратчи жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофик Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаш керак.

25. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. КАФОЛАТЛАР

26. Пудратчи:

Барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофик барча ишларни бажариш сифатини;

хар ойда бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқловчи (ойлик ҳисобат) ҳисоб-фактурани ҳисобот даврининг 5 санаеига топширишни;

узи томонидан капитал таъмирлаш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилаган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиклигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва усқуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиклигини кафолатлайди.

27. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-усқуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзоланган кундан бошлаб камида 10й этиб белгиланади. Объект томининг кафолатли муддати камида 120й этиб белгиланади.

28. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у холда кафолат муддат нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида кайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан усқуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммаси Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

29 Буюртмачи Пудратчи томонидан сифатли ва белгиланган муддатларда бажарилган ишлар ҳажмини инвестордан маблағ ажратилгандан сўнг 3 кун ичида тўлаб беришни кафолатлайди.

XIII. ШАРТНОМА БЕКОР ҚИЛИШ

30. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин капитал таъмирлаш бошланиши Буртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даража бузилганда:

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

31. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда:

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда:
Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб ҳуқуқига эга.

32. Шартнома бекор қилинганда, Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугатилмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади. Буюртмачи бажарилган ишлар қиймати Пудратчига тўлайди.

33. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга Ёзма билдиришнома юборади.

34. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

35. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИК.

36. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқоролик кодексига, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

37. Мазкур шартномада кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийمатининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартномага шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

38. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 0,5 фоизи миқдорига жарима тўлайди.

39. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказилиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечиктириши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

40. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи “Даврархитектқурилиш назорат” инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдорига жарима ундириш ҳуқуқига эга.

41. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга тарафидан

қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

42. Муддат ўтказиб юборганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

43. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Сирдарё вилояти ҳужалик суди томонидан кўриб чиқилади.

XVI. АЛОХИДА ШАРТЛАР

44. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

45. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

46. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш саноатига бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

48. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

49. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

50. Мазкур Шартнома икки нусхада тузилади. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга бўлиб 2022 йил 31 декабрга қадар амалда бўлади. Томонларнинг ҳар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси сақланади.

XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

БУЮРТМАЧИ:

ПУДРАТЧИ:

Ташкилот номи : Гулистон шаҳар ХТБ

Манзил: Гулистон шаҳар Х

Телефон: 67-225-37-10

СТИР коди: 200322417

Х/Р 401722860244017096300075008

Банк: Тошкент шаҳар Марказий банк

МФО: 00014

Рахбар  С.Артиков



Ташкилот номи : "Аброр-А" ХК

Манзил: Гулистон тумани

СТИР коди: 202514603

Х/Р 20208000403762960001

Банк: ОАТБ Турон банк г Гулистан

МФО: 00368

Рахбар (директор) 



GULISTON SHAHAR XALQ TA'LIMI BO'LIMI
**Yuridik ahamiyatga ega hujjatlarning qonun
hujjatlariga muvofiqligi to'g'risida
huquqiy xulosa**

ZP30414625

1. Loyihaning turi. Shartnoma.

2. Loyihaning nomi.

Maxsulot yetkazib berish shartnomasi. Guliston shahar Xalq ta'limi bo'limiga xizmat ko'rsatish to'g'risida.

Buyurtmachi – Guliston shahar Xalq ta'limi bo'limi

Pudratchi – “Abror-A” X/k

Shartnoma sanasi – 11.08. 2022 yil

Shartnoma raqami – 1

Shartnoma summasi – 35.400.000 (o'ttiz besh million to'rt yuz ming) so'm.

3. Loyiha ishlab chiqaruvchi va kiritilgan sana haqida ma'lumot.

Guliston shahar Xalq ta'limi tomonidan ishlab chiqilgan va Guliston shahar Yuridik xizmat ko'rsatish markaziga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 11.08.2022 yilda kiritilgan.

4. Loyiha amaldagi boshqa qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan.

Ushbu shartnomani rasmiylashtirishda “Davlat xaridlari to'g'risida”gi Qonuni talablariga rioya qilishingiz tavsiya etiladi.

Markaz Bosh yuriskonsulti



S.Xalilov

2022 yil «11» avgust